



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2014-yil, 18-dekabr. Payshanba • 152 (31.899) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ЁРДАМГА ЭҲТИЁЖМАНД ҚАТЛАМИ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҲИССА ҚЎШМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

БРИФИНГ



2014 йил 17 декабрь куни сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик миссиялар, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, хорижий кузатувчилар, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўришнинг боришида бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов брифинг иштирокчиларига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича қилинган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Таъкидланганидек, сайловлар — бу кучли фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг ўз хоши-иродасини эркин билдиришининг асосий шаклидир. Фуқаролар ўзларининг сайлаш ва сайланиш конституциявий ҳуқуқини амалга ошириб, жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этади.

Парламент ва жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтаётганлиги таъкидланди. Олий Мажлис томонидан 2010 йил ноябрда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиққан, шунингдек, 2009 йилги парламент сайловини ўтказиш амалиётини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизнинг Конституциясига ва сайлов қонунчилигига сайлов жараёнини янада демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Брифинг иштирокчилари 2014 йил парламент сайловига Ўзбекистоннинг барча тўртта сиёсий партиялари иштирок этаётганлиги ҳақида хабардор қилинди. Бўлажак сайловларда иккинчи мартабада Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари иштирок этмоқда. Уларга парламент куйи палатасидаги 150 та ўриндан 15 таси ажратилган. 21 декабрь куни Тошкент шаҳридаги Халқаро бизнес марказида Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов бўйича Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг конференцияси ўтказилади.

Брифингда таъкидланганидек, сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар очик ва ошкор ҳолда қонунчиликка қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилмоқда. Қонунчилик палатасига сайлов бўйича ўртача 154 минг сайловчи ҳисобига 135 та сайлов округи тузилди. Жами 9035 та, шу жумладан, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида 44 та сайлов участкаси ташкил этилди. Бугунги кунда барча сайлов участкалари овоз беришни юқори таш-



Санажар ШОТЛУГАНОВ олган суратлар.

Сайловга ҳамма нарса тайёр

килий даражада ўтказиш учун тўлиқ тайёр ҳолга келтирилди. Сайлов участкалари барча зарур жиҳозлар — алоқа воситалари, компьютер ва ташкилий техника, ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланган.

Махсус ажратилган жойларда яширин овоз бериш учун кабинетлар жиҳозланган, сайлов қутилари ўрнатилган. Участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчиларнинг тўлиқ рўйхатлари тузилди.

Улар 20 миллион 895 минг 572 нафарни ташкил этади.

Айрим сайловчилар саломатлигига кўра ёки бошқа сабаблар бўйича овоз бериш босқисига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига мувофиқ участка сайлов комиссиялари овоз беришни улар турган жойда ташкил этади. Муддатидан олдин овоз бериш жорий йилнинг 11 декабрида бошланган ва 19 декабрида тугайди.

Жорий йилнинг 15 ноябридан бошлаб сайлов кампаниясининг муҳим босқичи — сайловдаги ташвиқоти давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга сайловдаги дастурлари, мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантириш бўйича долзарб масалалар юзасидан уларда баён этилган позицияларни сайловчиларга етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилган.

Брифингда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, сайловларнинг

очиклиги ва ошкоралиги кузатувчилар институти орқали таъминланмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ЕХҲТ Демократик институти ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, шунингдек, МДҲ кузатувчилар миссиялари ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Яқин кунларда уларга яна учта халқаро ташкилот — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислам ҳамкорлик ташкилотидан кузатувчилар миссиялари келиб қўшилиди. Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссияси томонидан Осиё, Европа, Африка, Америка, шунингдек, МДҲ давлатларидан жами 300 нафарга яқин кузатувчи рўйхатига олинган. Бундан ташқари, округ сайлов комиссиялари томонидан сиёсий партияларнинг 70 мингдан зиёд кузатувчиси ва ваколатли вакилларига тегишли маддатлар берилди.

Ўзбекистонда сайлов жараёнини кенг ёритишда мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот

воситаларининг 340 нафардан зиёд аккредитациядан ўтган вакили иштирок этмоқда. Уларни барча зарур ахборот материаллари билан таъминлаш учун 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази фаолият кўрсатмоқда. Шунга ўхшаш матбуот марказлари вилоят сайлов комиссиялари ҳузурида ҳам ташкил қилинган. Уларда мунтазам равишда брифинглар, матбуот анжуманлари, семинарлар ўтказилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида 21 декабрь соат 13.00, 17.00 ва 22.00 да овоз бериш жараёни ҳақида брифинглар ўтказилади, кейинги кунда эса сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинади.

2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказининг расмий ахбороти асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Э.Т.Жўраевни Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимидан овоз этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:
Эшдавлат Турсунович Жўраев Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимидан овоз этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 17 декабрь

СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

Ўзбекистон сайлов руҳи билан яшамокда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиш учун мамлакатимизга кўплаб халқаро кузатувчилар, етакчи экспертлар келмоқда. Уларнинг айримлари ЎЗА мухбирларига юртимиз ҳақидаги таассуротлари, сайловга қўрилган тайёргарлик тўғрисидаги фикрларини баён этди.

Жон ЖОНГ, «Mantel Holland» компанияси бош директори (Нидерландия):

— Ўзбекистоннинг сайлов оид қонун ҳужжатлари билан танишиб, юртингизда халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган сайлов тизими яратилганига амин бўлдим. Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар мамлакатининг демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги амалий ишларнинг давомидир.

Ўзбекистонга келиб, халқингиз сайлов руҳи билан яшаётганига гувоҳ бўлдим. Марказий сайлов комиссияси кенг ва режалли фаолият юритмоқда. Бу сайловнинг кўнгилдагидек ўтишига ҳизмат қилади. Биз, кузатувчиларга сайлов кунини ўзимиз истаган участкага бориб,

сайлов жараёнини кузатиш ҳуқуқи берилган. Сайловга тайёргарлик ишларини чуқурроқ ўрганиш учун жуда катта имкониятдир.

Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаяётганига қарамай, Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда. Бу борада минтақада етакчи мамлакатлардан бўлган Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи муттасил ўсиб бораётгани юртингиз иқтисодий кудрати тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Бундай муваффақиятларда Ўзбекистонда тўғри ва оқилона юритилаётган сиёсат муҳим омил бўлмоқда.

Госиа КОЗАЦУК, «Mantel Holland» компанияси менежери (Нидерландия):

— Ўзбекистон мустақилликка эришган, барча жабҳаларда, жумладан, иқтисодий, қишлоқ ҳўжалиги, сайёҳлик каби соҳаларда улкан ютуқларга эришди. Халқ фаровонлиги муттасил юксалиб, мамлакатининг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ошмоқда. Бу давлатининг танланган миллий тараққиёт йўли тўғрисидаги эркин мисолдир. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистонда парламент куйи палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловларни ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлдим. Хар бир мамлакатнинг миллий сайлов тизими бўлади. Ўзбекистоннинг мазкур соҳага оид қонун ҳужжатларида халқаро талабларга тўла жавоб берадиган барча зарур жиҳатлар акс этган.

ЎЗА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

ПАРТИЯЛАРАО БАҲС

Бугун мамлакатимизда сиёсий партиялар ўртасида жиддий кураш, сиёсий баҳс-мунозара, тортишув, теледебатлар бўлиб ўтмоқда. Бунда асосий эътибор уларнинг Сайловолди дастурларига қаратилмоқда.

САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИДА

мамлакат ва халқ манфаатлари чуқур ифода этилган партия сиёсий майдонда мустаҳкам ўрин эгаллайди

Шу ўринда ҳақли, ўринли савол туғилади. Сиёсий партияларнинг Сайловолди дастури сайловчиларни қанчалик ўзига жалб этмоқда? Бугун халқимиз қандай гоёларни қўллаб-қувватляпти?

Сиёсий партия вакиллари телевидение ва матбуотдаги чиқишларидан шунинг англаймизки, баъзи бир партияларнинг Сайловолди дастурларида бир-бирини такрорлаш, умумий фикрлар, зўрма-зўраки тақлифлар ҳам учрайди. Бу ҳақида нафақат мутахассислар, сиёсатшунослар, балки оддий одамлар ҳам ўзининг фикрлари, таҳлилий хулосаларини билдирмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Ли-

берал демократик партияси ўтган Сайловолди дастурида ҳам каттақатта масалаларни баён этган эди. Хўш, кейинчи? Ўтган беш йил давомида «либераллар» бу ваъдага қанчалик амал қилишди?! Ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қандай лойиҳаларни илгари сурди? Бугун сайловчилар орасида «либераллар» дастурида кўрсатилган ишлар аслида умумдавлат миқёсида амалга оширилмоқда, агарда мамлакат сиёсий тизимида ушбу партия бўлмаган тақдирда ҳам бу ислохотлар давом этар эди-ку», деган фикр-мулоҳазалар туғилмоқда.

► Давоми 2-бетда.

ЎзХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

Ёшлар келажagini ўйлаб илгари сурилган гоёларни қўллаб-қувватланг!

Фарзандингиз коллежни тамомлади. Энди унинг қўлида мутахассислигини тасдиқловчи ҳужжат бор. Хўш, у қаерга ишга боради, иш жойи аниқми?..

Бу савол фақат ота-онани эмас, балки хар биримизни, давлат ва жамиятни ўйлантиради, албатта. Шунинг учун ҳам битирувчиларни ўз ихтисослиги бўйича ишга жойлаштириш масаласига тобора катта эътибор қаратилмоқда. Буни ҳозир яратилаётган иш ўринларининг ярмидан кўпи айнан битирувчилар учун мўлжалланаётгани ҳам кўрсатиб турибди. Шунингдек, барча вазирлик, маҳаллий ҳокимликлар, таълим муассасалари ҳамда корхона-ташкилотлар раҳбарлари зиммасига бу борада аниқ вазифа-

лар қўйилапти. Мақсад — ёшлар эътиборисиз қолмасин, турли идораларнинг эшигини тақиллатиб, иш қидириб сарсон юрмасин, ўзига бўлган ишонч ва масъулиятни йўқотмасин.

ЎзХДП бу йўналишда қатор тақлифларни илгари суриб келмоқда. Партиянинг навбатдаги Сайловолди дастурида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, партия хар бир туман ва шаҳар миқёсида коллеж битирувчиларининг мутахассислиги бўйича бандлигини таъминлашга қаратилган аниқ режаларни ишлаб чиқиш ва амалда ижро этиш борасидаги масъулиятни ошириш керак, деб ҳисоблайди.

► Давоми 2-бетда.



Умида ГАЗИЕВА, Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари:

— Инсоннинг жисми соғ бўлиши учун, аввало, унинг руҳияти соғлом, уйғоқ бўлиши лозим.

Бунинг учун муסיқа тинглаш, шеър эшитиш зарур. Китоб, газета ўқиш керак. Шифокор сифатида мен Сизга «Ўзбекистон овози»ни ўқишни тавсия қиламан.

2015

Обуна давом этмоқда «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛАМ-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!
Обуна индекси — 220

ЎзХДП: «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан Тошкент архитектура ва қурилиш институтида «Сайловларда фаол иштирок этиш — менинг фуқаролик бурчим» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

«Мен эртага эл-юртга хизмат қиладиган номзодга овоз бераман»

Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят партия кенгашлари вакиллари ва ёшлар иштирок этиди.

Сўзга чиққанлар сайловларда ёшлар фаолиятини оширишнинг аҳамиятига тўхталиб, қонунчиликка сайлов бўйича киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳамда ЎзХДП Сайловолди дастурининг асосий йўналишлари ҳақида маълумот беришди.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий ва ҳуқуқий тизим босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида демократик талабларга жавоб берадиган миллий сайлов тизими яратилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Холиқова. — Бунинг натижасида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқлари тўла амалга ошмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида овоз берувчилар номзодларнинг дастури, сайловга оид бошқа маълумотлардан етарлича хабардорлигини ошириш борасида қатор амалий ишлар олиб бориляпти. Бу жараёнда, албатта, ёшлар иштироки жуда муҳим. Чунки, сай-

ловда қатнашиш орқали уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошади, сиёсий жараёнларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси бўлиш масъулияти кучаяди. Бугунги тадбир ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятли, деб ўйлайман.

— Кейинги беш йилда мамлакатимиз ҳаёти қандай бўлиши, ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши, қандай қонунлар қабул қилиниши бўлажак сайловда қандай номзодларга овоз берилишига боғлиқдир, — деди ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти маркази раҳбари Шохрухмурзо Абдурахмонов. — Демак, сайловда ҳар бир фуқаронинг фаол иштироки этиши, мустақил фикрлаб, овоз бериши муҳим аҳамиятга эга.

— Мамлакатимизнинг кўплаб ёшлари бу йил сайловда биринчи бор иштирок этади. Жумладан, мен ҳам бу жараёнда илк бор қатнашман. Сайловдаги овозим билан мамлакат тараққиёти, ҳақ фаровонлиги учун масъул эканлигини дилдан ҳис қилияман, — дейди Тошкент архитектура ва қурилиш институтининг 3-босқич талабаси Бону Азизова.

Давра суҳбатида ёшлар сайлов қонунчилиги бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Феруза ТўРАЕВА

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда устувор аҳамиятга эга. Шунинг учун Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини қабул қилиш, унинг бажарилишини назорат қилиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиб келмоқда.

Маълумки, мазкур Дастур 2009 йилдан бери ҳукумат лойиҳаси асосида парламент томонидан қабул қилинмоқда, 2010 йилдан бошлаб ҳар йили унинг ижроси юзасидан парламент эшитиш йўлида қўйилган, дастурни янада такомиллаштириш, иш ўринларининг барқарорлик кафолатини мустаҳкамлаш бўйича чоралар белгила- няпти.

Ҳўш, ўтган вақт мобайнида бу тадбирлар ҳаётда қандай самара берди? Мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш жараёнларини такомиллаштириш йўлида қандай натижаларга эришилди? Шу ва бошқа саволлар билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоевга мурожаат қилдик.

— Аввало, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича самарали тизим яратилганини ва у тобора та-

комиллашиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ҳар қандай ҳужжат қонун билан, халқро ҳуқуқий меъёрлар билан асосланган бўлиши керак. Дастурни ишлаб чиқиш, қабул қилишда шу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дастур «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига, аҳоли бандлиги соҳасидаги давлатимиз сиёсатининг асосий тамойиллари ва халқро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилмоқда.

Масалан, Халқро меҳнат ташкилоти дунё мамлакатлари- га иш ўринлари ташкил этиш ва бандлигини таъминлаш масалалари бўйича бир қанча тавсиялар берган эди. Улар, хусусан, меҳнат бозорига фаол сиёсат олиб бориш, меҳнатга бўлган талабни ошириш, тургидан-турги янги иш ўринлари ташкил этиш ва амалда мавжуд бўлганларини сақлаб қолиш, ёшларни ишга жойлаштириш, уларни касбга тайёрлаш ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этишни такомиллаштириш, ишламайдиган ёшлар учун ижтимоий ҳимоя ва меҳнат кафолатларини таъминлаш, меҳнат мигрантлари бандлиги- га кўмаклашиш борасидаги тавсиялардан иборат бўлди. 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш, қабул қилишда бу масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Ўтган йиллар мобайнида нафақат Дастур ижросини таъминлаш, шу билан бирга, уни йилдан-йилга такомиллаштириб бориш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Дастур бажарилишини доимий назорат қилиш, унинг амалга оширилишида юзга келаётган камчи-

ликларни вақтида бартараф этиш, имконияти яратилди. Дастурни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш жараёнида парламент қуйи палатасидаги ҳар бир сиёсий партия фракцияси ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг тақлиф ва фикрлари инобатга олинмоқда. Экспертлар, турли соҳа мута-

мўлжалланган ташкилий тадбирлар кўрсатилар эди. 2012 йилдан бошлаб парламентга унинг яхлит концепцияси тақдим этилди. 2013 йилдан унда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар ҳам назарда тутилмоқда. Келгуси йил учун эса

роси бориши тизимли асосда ўрганиб борилмоқда. Бу жараёнда, айниқса, касб-хунар коллежларининг битирувчиларини ихтисосликларига мувофиқ ишга жойлаштириш ҳолатини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биргина Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси жойларга чиқиб, Дастур бажарилишининг бориши бўйича 10 га яқин назорат-таҳлил тадбирлари ўтказди. Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 4 марта тегишли ахбороти эшитилди. 2011 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг коллежлар битирувчиларини ихтисосликларига мувофиқ иш билан таъминлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилишининг ҳолати тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Мазкур тадбирлар, шунингдек, Дастур бажарилишини назорат қилиш аянқлари юзасидан Қонунчилик палатаси томонидан Ҳукумат олдига муҳим тавсия ҳамда вазифалар қўйилди. Ўз навбатида, уларни амалга ошириш учун Ҳукумат томонидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, 2011 йилда битирувчилар, коллежлар ва корхоналар ўртасида уч томонлама шартнома тузиш амалиёти жорий этилди. Фақат 2011 йилда шундай шартномалар асосида 390 минг нафардан зиёд битирувчи ишга жойлашди. 2012 йилдан бошлаб Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Дастур ижросининг бориши ҳақида ҳар чоракда ахборот ва зарур материалларни Қонунчилик палатасига тақдим этиб келмоқда.



хассислари Дастур ишлаб чиқиш чоғида фаол иштирок этмоқда. Албатта, бу жараёнлар ўз самарасини бериб келмоқда.

Хусусан, 2012 йилдан Дастурнинг кўрсаткичлари миллий меҳнат бозоридagi эҳтиёж ҳамда ишчи қучига бўлган талаб ва тақлиф асосида шакллантирилмоқда. Бунда демографияк омиллар, аҳоли миграцияси, иқтисодийдаги таркибий ўзгаришлар, тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришдаги устувор йўналишлар ҳисобга олинган. Ваҳоланки, 2010-2011 йиллардаги Дастурларда фақат унинг аввалги йилдаги ижроси ва келгуси йилга

меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш бўйича махсус чоралар қўшилди. Буларнинг барчаси Дастурнинг йилдан-йилга такомиллашишига хизмат қилмоқда.

— Дастур парламент томонидан қабул қилинган экан, демак унинг ижросини таъминлаш бўйича парламент назоратини амалга ошириш долзарб вазифа ҳисобланади. Бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталасмиз?

— Парламент эшитишга тайёргарлик кўриш доирасида йил давомида Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари томонидан Дастур иж-

ПАРТИЯЛАРО БАҲС

Сайловолди платформасида мамлакат ва халқ манфаатлари чуқур ифода этилган партия сиёсий майдонда мустаҳкам ўрин эгаллайди

Оттабек МУТАЛОВ, Зангиота туманидаги «Master Delikatesov» масъулияти чекланган жамияти бош директори, ЎзХДП аъзоси:

— Партияимизнинг Сайловолди дастурида илгари сурилаётган гоғлар амалга оширилса бўладиган, ҳаётий тақлифлардир. Тадбиркор сифатида ЎзЛиДеПнинг фаолиятини доимий равишда кузатиб бораман. Сайловолди дастури билан ҳам танишиб чиқдим. Бирок, тадбиркор ёки фермернинг оғирини енгли қиладиган ўзинга хос аниқ тақлифлар жуда камлигига эътибор қаратдим. Асосан, ҳозир мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар атрофидаги гаплардан иборат бўлиб қолган.

ЎзЛиДеП Сайловолди платформасида олий ўқув юрларининг мустақиллигини (ташкилий, институционал ва молиявий мухториятини) таъминлаш борасида зарур чора-тадбирларни кўриш, олий ўқув юрларининг тижорат асосида пуллик таълим хизматлар кўрсатиши бўйича ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш ҳисобидан уларни давлат томонидан молиялаштириши босқичма-босқич қамайтириш масаласини илгари сурмоқда.

Бизнинг фикримизча, бу мутлақо асоссиз гоғ. Очингани айтганда, келгуси беш йилда олий таълимни хусусийлаштириш билан боғлиқ масалани узил-кесил ҳал этиб бўлмайди. Ажаблანарлиси, либераллар дастурида бу масалани қандай ҳал этилиши борасида асосли фикр ҳам билдирилмайд.

Маълумки, Сайловолди дастурида илгари сурилаётган тақлиф асосли бўлиши, одамлар манфаатига қаратилиши, уларнинг эртанги қунига бўлган ишончини мустаҳкамлаши лозим. Мисол учун, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида кам таъминланган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш, истеъдодли йигит-қизларни олий таълим

муассасаларида бепул ўқитиш тақлифи билдирилган. Бу тақлиф қанчалик тўғри, асосли экани, депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида ўз тасдиғини топмоқда.

Бир ёқлама ва умумий қарашларга «Адолат» СДП Сайловолди дастурида ҳам кенг ўрин берилган. Хусусан, унда қишлоқ ҳудудларини ижтимоий ободонлаштириш, йўл инфратузилмасини, айниқса, маҳаллалар ичидagi кўчаларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, янги ижтимоий объектлар қуриш бўйича ишларни «давом эттириш» ҳақида сўз боради. Шунингдек, қишлоқ қиёфасини бутунлай янгилаш ва қайта қуриш, уй-жой қуриш, ижтимоий ва коммунал объектларни бунёд этиш, қишлоқ жойларда коммуникацияни ривожлантириш, қишлоқ ахлининг турмуш даражаси ва маданиятини оширишни илгари суради.

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ ҳудудларида давлат дастури асосида намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилаётгани ҳаммага маълум. Бу борада «Адолат СДП» яна нима қилмоқчи эканини тушуниш қўйин. Ёки улар шу «тақлиф»ни айтиш орқали давлат томонидан амалга оширилаётган ишларга шерик бўлмоқчимиз? Агар улар ўз Сайловолди дастурида умумий гаплардан қочиб, намунавий уй-жойлар қурилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрна- тиш, уларнинг сифатли қурилиши ва ўз вақтида топшири- лишини таъминлашга қаратилган режаларини тақлиф этганида мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

Рўзибек ТўРАЕВ, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари: — «Адолат» СДП дастурида ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш, аҳолини давлат органлари, биринчи навбатда маҳаллий ҳокимликлар фаолияти борасида маълумотлар би-

лан кенг таъминлаш, бошқарувда ошқоралик, очиқлик ва ҳисобот бериб бориш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб этиш илгари сурилган.

Сайловчи бу жумлаларни ўқиб, ҳайрон бўлиши табиий, албатта. Чунки, жорий йилда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши тўғрисида тўғри мана шу мақсадларга қаратилган. Бу ҳолат «Адолат СДПнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлардан ортда қолаётганини кўрсатмайдими?». Бизнинг назаримизда, улар ўз дастурларида мазкур қонуннинг самарали ишлаши- ни таъминлаш, унинг ҳар бир нормаси сўзсиз ижро этилишига эришиш, бу борада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратади, фойдалари бўларди.

Сиёсий партиялар Сайловолди дастурларини кузатиб туриб, «Миллий тикланиш» демократик партияси дастурида белгиланган айрим вазифалар ҳам кишини таажубга сола- ди. Мисол учун, партия Ўзбекистон халқининг миллий анъана ва урф-одатларини ўзида акс эттирган, унга хос бўлган мурувват, кечиримлик, инсонпарварлик ва бағрикенглик каби олийонаб ҳазилларга суд амалиётига жорий этилишини устувор вазифалардан, деб билиши алоҳида таъкидланган.

Бизнинг фикримизча, суд жараёнларида бундай ёндашув қандай оқибатларга олиб келишини чуқурроқ ўйлаб кўриш керак. Суд қонунга асосан ўз ҳукми ёки қарорини чиқаради. Суд мутлақо мустақил бўлиб, аниқ далил ва кўрсатмаларга асосланар экан, юқоридagi тақлиф унинг ана шу тамойиллари салбий таъсир қилмайди- ми!? Шу боис бу масалада

шошма-шошарлик, бирёқлама фикрлаш тўғри эмас, назаримизда. Ҳар йили Конституциями ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб этиш илгари сурилган.

Фарида ЖўРАБЕКОВА, «Мезон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Яна бир мисол. «Миллий тикланиш» ДП Сайловолди дастурида фуқароларимизнинг сертшиш суд мажлисларига хоҳиш-истагининг йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалланинг хизматидан фойдаланишни тақлиф этмоқда. Қизиқ томони шундаки, бу масала алақачон ҳал этилган. Бир сўз билан айтганда, ҳозир ҳам маҳалла ана шу вазифаларини бажаряпти, унга ҳеч қандай тўсиқ қўйилмаган. Сайловолди дастури сиёсий партия фаолият йўналишини белгилайдиган асосий ҳужжат экан, у кўпроқ аниқ мақсад, амалий ишларга йўналтирилса, электорат манфаатларига кўпроқ хизмат қилган бўларди...

Ривожланган демократик давлатлар таърибасидан маълумки, сиёсий партиялар қайси гоғни илгари суриши, қайси аҳоли қатламни қўллаб-қувватлашдан қатъи назар улар амалга ошираётган ишлар, энг аввало, умумхалқ, умумдавлат манфаатларига хизмат қилиши зарур. Сиёсий партиялар томонидан тақлиф этилаётган йўл эса турлича бўлиши мумкин.

Ҳар томонлама билимли, сиёсий жараёнларни яхши тушунадиган, мамлакатимизнинг тараққиёт стратегиясини тасаввур қила оладиган бугунги сайловчи баландарвоз гапларга эмас, балки ҳаётий масалаларни кўтараётган сиёсий куч учун овоз беради.

Нуралӣ ОРИПОВ

ЎзХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ



Комила ҚАРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси, 122-Ғузор сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатиликка номзод:

томонлама шартнома асосида ишга қабул қилиниб, сўнгра бўшатиб юборилган ёшлар тўғрисидаги маълумотларни меҳнат органларига тақдим этиш механизмини амалиётга самарали татбиқ этиш керак, деб ҳисоблаймиз. Бу борада Меҳнат кодексига киритилган ўзгаришга амал қилиш кўникмасини изчил шакллантириш зарур.

Кўплаб ёшларимизда тадбиркорликка қизиқиш ва қобилият бор, лекин иш бошлаш учун маблағ керак. Шундай пайтда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватласак, эртага қўллаб иш жойла- ри очилишига имкон яратган бўламиз. Ёшлар яқка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун уларга имтиёзли микрокредитлар бериш ишларини такомиллаштириш, таъмин этилаётган тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтка- зиштишга мавжуд тўловларни бе- шини доимий назорат қилиш, уч

длинги таъминлашни рағбатлантириш зарур.

Айтиш жоизки, аҳоли, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш борасида партияимизда катта таъриба бор. Масалан, ҳар йили Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ташаббуси билан аҳоли бандлигини таъминлаш масаласида парламент эши- туви ўтказилмоқда, фракция аъзолари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари жойларда коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш юзасидан кўрилаётган чораларни назорат-таҳлил тартибда ўрганишмоқда. Зарур пайтда масалалар сессия ва доимий комиссиялар муҳокама- сига киритилмоқда. Бундан кейин ҳам мазкур йўналишдаги ишларни қунайтириш ва самарасини ошириш партияимиз учун ёки муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Ёшлар келажагини ўйлаб илгари сурилган гоғларни қўллаб-қувватланг!



Фарҳод УМАРОВ, Ғузоро вилоят ҳокимлиги Молия бошқармаси бошлиғи, 24-Ибн Сино сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатиликка номзод:

ва ижтимоий жиҳатдан макбул тизимини янада такомиллаштириш тарафдоримиз. Бунинг учун, аввало, касб-хунар коллежларида ўқитиш сифатини ошириш, соҳага етук мутахассис педагогларни жалб қилиш керак. Бундан ташқари, касб-хунар коллежларини ихтисослигига қараб барча зарур техника, касб-хунар ўрганиш учун керакли асбоб-ускуналар билан таъминлаш лозим. Шундан касб-хунар ўрганаётган ўқувчи ўз мутахассислигини пухта эгаллайди, эртага ишга жойлашганда корхона ва таш- килотда соҳаси бўйича ҳар қан- дай техника ва ускунадан бе- малол фойдаланади.

Бундан ташқари, биз ҳудудларнинг демографияк хусусиятлари, аҳоли сонининг ортиши ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш страте-

гиясини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ҳудудларда қайси мутахассисга талаб бўлаётгани таҳлил этилиб, билим юрти йўналишлари шунга қараб белгила- наса, бу битирувчилар ўз касби бўйича ишга жойлашганини кафо- латлайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёшларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари таш- кил этиш партияимиз фаолиятида доим устувор масала бўлиб кел- ган. Сайловолди дастурида бу борадаги ишларни янада қувай- тириш, янги босқичга олиб чи- қиш бўйича муҳим гоғлар илгари сурилди. Депутатликка номзодла- римиз уларни амалга оширишга қатъий бел боғлаган. Шунинг учун сайловчиларни ёшларни келажаги йўлида ЎзХДП гоғларини қўллаб-қувватлаш- га чақирамиз.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ҳар доим одамлар тақдири туради

— Парламентнинг назорат-таҳлил тадбирлари нафақат Дастурнинг ижросини ўрганиш, балки иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини ҳамда тегишли қонун ҳужжатларини чуқур таҳлил қилиш, уларни замон талабига мослаб такомиллаштириш имконини беради. Бу борада қандай хулосалар чиқарилади, қанақа амалий натижаларга эришилди?

— Иш ўринлари ташкил этилиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш анча мураккаб жараён. У билан боғлиқ масалаларни битта дастур қабул қилиш билан комплекс тарзда қамраб олиб ҳал қилиш қийин. Шунинг учун парламентнинг назорат-таҳлил тадбирларида аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ қонунлар, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тизимли равишда таҳлил қилиняпти. Натижада айрим қонунлардаги меъёрларни бандлик соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларига мувофиқ ҳолда такомиллаштириш, баъзи муносабатларни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали мустаҳкамлаш зарурати сезилляпти. Таҳлилий хулосалар асосида бу борада тақлифлар тайёрланмоқда.

2013 йилда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига, чунончи, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга, Меҳнат кодексига, Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга таълими муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиш кафолатини мустаҳкамлаш, бандлик бўйича мунтазам мониторинг олиб бориш масалалари юзасидан киритилган ўзгариш

ва қўшимчалар бунинг амалий натижаси бўлди, дейиш мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш кераки, мазкур қонун ҳужжатларига киритилган айрим ўзгариш ва қўшимчалар Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган эди.

Мамлакатимизда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими, шунингдек, бандликни таъминлаш ташкилий чора-тадбирларининг норматив-ҳуқуқий базаси такомиллаштирилмоқда. Хусусан, 2012 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги қарори билан Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамкорлигида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларини иш билан таъминлашга қўмаклашиш назарда тутилди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини бошқаришнинг самарали тизимини янада ривожлантириш, таълим жараёнида ижтимоий шерикликни қўлайлаштириш мақсадида Касб-хунар коллежининг вазирлик кенгаши тўғрисида намунавий низоми, шунингдек, услубий таъминотни янада яхшилаш мақсадида Ҳукуматнинг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ахборот-услубий таъминот хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Бундан ташқари, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш бора-сида 40 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжат инвентаризациядан ўтказилди.

— Президентимиз Конституциямиз қабул қилинган

нинг 22 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш иқтисодий ётти юксалтиришда муҳим ўрин тутганини алоҳида таъкидлади. Бу масала мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш жараёнларини такомиллаштиришда ҳам катта аҳамиятга эга...

— Албатта, бу жуда долзарб масала. Айниқса, бандлик дастури ижросини мониторинг қилишда, одамлар иш топиши учун тезкор ва қўлай шароит яратишда замонавий ахборот-коммуникация тизимлари муҳим ўрин тутди.

Рақамлар кўрсатмоқдаки, Дастурнинг иқтисодий асосла-

Иш берувчилар ва иш қидирувчилар ўртасида ошқор ва қўлай хабардорлик муҳитини яратишга зарурат юқори

ри йилдан-йилга такомиллашиб бораёпти. Унинг ҳудудлар, соҳа ва тармоқлари ривожлантириш дастурлари билан боғлиқлиги мустаҳкамланмоқда. Яъни, яратилаётган иш ўринларининг

ишончлилик даражаси, одамларнинг барқарор ишга жойлашиш кафолати мустаҳкамланяпти. Бундай шароитда иш жойлари ташкил этилгани ёки бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларнинг аҳолига нисбатан ошқор ва қўлай хабардорлик муҳитини яратишга зарурат юқори. Бу Дастурнинг ижроси ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш, керакли хулоса чиқариш имконини ҳам оширади.

Шунинг учун бу борада, айтиш мумкинки, тизимли ишлар бошланган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг ҳудудий органлари фаолиятига иш қидиришнинг замонавий, қўлай ахборот дастурлари жорий этилмоқда. Вазирликнинг www.mehnat.uz, www.labor.uz расмий сайтлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали http://my.gov.uz орқали иш қидираётган фуқароларга қўмаклашилмоқда. Вазирлик мутахассислари томонидан «Bestdoc», «Newjob», «Protez», «Marbo» каби бир нечта ички ва ташқи фойдаланиш тизимлари ишлаб чиқилган.

2013 йилдан буён ташкил этилган иш ўринларини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш тўғрисидаги низоми ҳамда ташкил этилган иш ўринлари тўғрисидаги тезкор маълумотлар ҳамда давлат статистика ҳисоботларини мувофиқлаштириш, шунингдек, уларнинг ишончлигини танлаб ўрганишга доир низоми ахборотларнинг оқиллигини таъминлашда долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бу йил ушбу йўналиш бўйича Қонунчилик палатаси томо-

нидан ўтказилган таҳлилий ишларни алоҳида таъкидлаш керак, деб ўйлайман. Ахборот-коммуникация технологияларининг бандлик соҳасига жорий этилиши илгор хорижий тажрибага таянган ҳолда, вазирликлар, идоралар, касб-хунар коллежларининг веб-сайтлари, дастурий маҳсулотлар мисолида таҳлил қилинди. Ютуқлар билан бирга, ишга солинмаган имкониятлар, айрим муаммолар борлиги кўринди. Улар бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, жорий йил бандлик дастурини қабул қилиш жараёнида ҳукумат аъзоларига маълум қилинди.

Бугунги кунда қонунчилигимизда бизнесни ривожлантириш учун катта имкониятлар яратилмоқда. Микрофирма ва кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун солиқ юки йилдан-йилга камаймоқда. Касб-хунар коллежини турғатиб, ўз ишини энди бошлаган қўлайлиқлар, айрим муаммолар борлигини тан олишимиз, уларни бартараф этишимиз лозим. Ушбу йўналиш ҳар доим парламент фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиб қолади, деб ўйлайман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Тўлқин ТўРАХОНОВ суҳбатлашди.

ҚАРОР ВА ИЖРО



Янги терминал ишга тушди

«Урганч» халқаро аэропортида воҳанинг сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш, авиайўловчиларга сервис хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда мамлакатимиз ҳаво масканлари ер усти инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида соатига 300 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконига эга бўлган янги терминал фойдаланишга топширилди.

Бу ишлар Президентимизнинг 2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисидаги қарорига мувофиқ Урганч шаҳри аэропорти биносини қайта қуриш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Бино дизайнини ишлаб чиқишда Ўзбекистоннинг замонавий меъморчилик ва миллий санъати аъёнлари ҳисобга олинган. Мазкур янги терминал жаҳон андозаларига жавоб берувчи замонавий қўлай-

ликларга эга. Эндиликда маскандаги халқаро, маҳаллий авиайўналишлар ҳамда СІР заллари йўловчилар хизматида бўлиб, уларнинг ҳар бирида алоҳида пул айирбошлаш шохчаси, она-бола хонаси, тиббиёт пункти, Duty-free дўкони мавжуд. Шунингдек, бинода авиация хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш мақсадида замонавий технологик ускуналар ўрнатилган.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАДБИР

Ахборот-ресурс маркази очилди

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Қизил Ҳоч халқаро қўмитасининг минтақавий ваколатхонаси ҳамкорлигида Ёнги хавфсизлиги олий техник мактабда ташкил этилган Ахборот-ресурс марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.



Унда вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар бу ердаги имкониятлар ҳамда курсантлар учун яратилган шарт-шароитларга алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Замонавий Ахборот-ресурс маркази курсантларнинг чуқур билим олишида, касбий фаолиятида ахборот коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишида муҳим ўрин тутгани таъкидланди.

Равшан ШОДИЕВ

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

Суд экспертизаси

адолат ўрнатишнинг муҳим воситасидир

Одил судловни таъминловчи судлар ва бошқа ҳуқуқ тартибот идоралари томонидан чиқарилаётган ҳукм ва қарорлар ҳар жиҳатдан ҳолис бўлишида суд экспертизаси муҳим аҳамиятга эга. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд экспертизаси хулосасига таянилади. Бу соҳа дахлсизлигини таъминловчи меъёрлар бугунги кунда халқаро талабларга тўла жавоб беради. Суд экспертизаси билан боғлиқ тамойиллар бундан тўрт йил олдин Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солиниб келинмоқда.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат суд экспертизаси фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Қонунда суд-экспертиза фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши, суд экспертизасининг мустақиллиги, суд эксперт текширишларининг ҳолислиги, ҳар томонламалиги ва тўлиқлиги билан алоҳида ўрин тутди.

Суд-экспертлик фаолияти қатор йўналишлар бўйича олиб борилади. Масалан, суд иқтисодий экспертизасига турли иқтисодий жиноятлар бўйича ўтказилган моддий зарар ва қонун бузилишлари аниқланмоқда. Суд иқтисодий экспертизаси бўлими экспертлари томонидан ўтказилган иқтисодий тадқиқотлар асосида жиноят механизми ҳолисона очиб берилляпти.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номидаги

Республика суд экспертиза Марказининг суд-иқтисодий экспертизаси бўлими экспертлари томонидан, суд-бухгалтерия, молия-кредит, меҳнат иқтисодий, суд режа-иқтисодий ва суд иқтисодий статистик турлари бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, тегишли хулосалар бериб келинмоқда.

Мазкур экспертизаларнинг предмети ва объекти турлари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқ лозим. Пул маблағларини, товар-моддий бойликларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги ҳақидаги далилий маълумотларни, бухгалтерия ҳисобини олиб бориш, назоратини ташкил этиш қоидаларини бузиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида бухгалтерия ҳужжатларидаги маълумотларни ўрганиш суд-бухгалтерия экспертизасининг предмети ташкил қилади.

Молия-кредит операцияларини акс эттирувчи ҳужжатларни текшириш орқали аниқланган пул фондларининг шаклланиши ва сарфланиши, кредитлар

тақсимланишининг асосланганлиги, шунингдек, уларни шакллантириш, тақсимлаш ва ишлатиш тартиби бузилганлиги ҳақидаги фактлар молия-кредит экспертизасининг предмети ташкил қилади. Молия-кредит операцияларини акс эттирувчи ҳужжатлар молия экспертизасининг объекти ҳисобланади.

Меҳнат ва иш ҳақи иқтисодий кўрсаткичларини белгилаш ва қўллашнинг асослиги ҳақидаги маълумотларни аниқлаш, уларнинг ҳисоботда тўғри акс этилиши, шунингдек, меҳнат ва иш ҳақи бўйича кўрсаткичларни режалаштириш, қўллаш ва ҳисоботни тузишдаги қоидабузишларни аниқлаш мақсадида меҳнат ва иш ҳақи бўйича ҳужжатларни текшириш меҳнат иқтисодий экспертизасининг предмети дир.

Шартнома, ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини асосли режалаштириш, уларнинг бажарилиши ва ҳисоботда акс этиши, шунингдек, булар ҳақида ҳисобот тайёрлашда қонун бузилишига йўл қўйилган ҳолатлар ҳақида маълумотларни аниқлаш мақсадида ҳисобот ҳужжатларини текшириш суд режали-иқтисодий экспертизасининг предмети ҳисобланади.

Режали-иқтисодий статистика экспертизаси билан боғлиқдир. Иқтисодий статистика қайта ишлаб чиқариш жараёнларини тарифловчи иқтисодий кўрсаткичлар услубияти ва тизимини, иқтисодий кўрсаткичларни тузиш усуллари ва таҳлил қилиш қоидаларини ишлаб чиқади. Иқтисодий кўрсаткичлар



бажарилишининг ҳисобини тузишда статистик услублар тўғри қўлланишини, шунингдек, статистик иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳақиқийлиги ва солиштирилишини таъминлаш олмайдиган статистик ҳисоботни олиб боришда камчиликлари аниқлаш иқтисодий-статистик экспертизасининг предмети дир.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Республика суд экспертиза Марказининг суд иқтисодий экспертиза бўлимига фуқаролик, хўжалик, жиноий ва бошқа ишлар юзасидан жами 200 га яқин иш келиб тушган бўлиб, улар юзасидан тадқиқот ўтказилиб, экспертларнинг тегишли хулосалари берилган.

Шуни эътироф этиш жоизки, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд фаолиятида бугунги замонавий технологияларни жорий қилишнинг асосий механизмининг ташкил қилган суд экспертизасининг ўта мураккаб жиноятларни очиш, тергов ва судда уларни инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан таъминлашдаги нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Суд-иқтисодий экспертизасининг муҳим жиҳатларидан яна бири иқтисодий ахборотни ўзида қамраб олган ҳужжатдаги маълумотлар эксперт тадқиқотининг объекти бўлганлиги билан белгиланади. Иқтисодчи экспертнинг

ўрганиш жойи сифатида ушбу ахборот турли мантқиқий белгилар ва иқтисодий кўрсаткичлар тизими кўринишида намоён бўлади.

Суд экспертизасига келаятган жиноий ишларнинг аксарияти экспертиза тадқиқотиغا зарурат бўлган ҳужжатларни ташкил қилади. Уларнинг орасида муаммоли ва мавҳум бўлган жиноят ишлари кўп учрайди. Бундай ҳолатда экспертиза муассасасининг экспертларидан чуқур билим, кўп йиллик ҳаётий тажриба ва малака талаб қилинади. Чунки бундай ишлар устидан ҳар томонлама адолатли ҳукм чиқарилишида суд иқтисодий экспертизасининг кенг доирадаги таҳлиллар асосида ёндашилган ҳолда тадқиқотлари ҳамда хулосалари муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Шу боис бугунги кунда суд-иқтисодий экспертизаси бўлимида ҳар томонлама малакали ходимлар хизмат қилмоқда. Бўлимига келаятган ҳужжатларга экспертиза синчковлик билан олиб борилган тадқиқотлар натижасида берилган хулосалар судлар томонидан одил ҳукм чиқаришда ўз самарасини бермоқда.

Мухиддин САИДОВ, Республика суд экспертиза маркази Давлат суд эксперти.



Қовурилган картошка зарарлими!

Қовурилган картошкани барча халқлар севиб истезмол қилади. Айниқса, картошкани таёёрланган чипслар ёшларнинг жону-дили.

Бироқ олимлар оғоҳлантирмоқдаки, қовурилган картошка зарардан холи эмас экан. Яъни, унда акриламид мўл бўлиб, ушбу канцероген модда организмда турли саратон хасталиклари ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.



Шуниси қизиқки, айнан акриламид картошкани қовурганда иштаҳани қўзғайдиган ранг ва таъм бағишлайди. У, асосан, картошкани юқори ҳароратда қовурганда ҳосил бўлади.

Ҳўш, қовурилган картошкани «зарарсизлантириш» учун нима қилиш керак? Олимлар бу борада қўллаб тажриба ўтказди-лар, дейилади интернет хабарларидан.

Қартошкани қовуришдан аввал микротўлқинли печда 900 ватт энергия ёрдамида 3 дақиқа «ишлов» бериш ва ундан кейин 180 даража ҳароратда қовуриш унинг фойдалилик хусусиятини ошираркан. Айнан шу усулда қовуриш картошкадаги акриламид даражасини 71 фоизга қисқартираркан.

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Бунёд этмоқ фурсати

Пойтахтимиз Тошкентнинг бугунги замонавий кўчалари, истироҳат боғлари, бири-бирдан муҳташам бинолари ҳар биримизни ғурурлантирмоқда, узоқ-яқиндан келаётган меҳмонларни ҳайратга солмоқда.



Мустақиллик йилларида Тошкент ўзининг мисл-сиз гўзал қиёфасини дунёга намойиш эта олди. Бугун бу шаҳарни кўриш, Тошкентга саёҳатга келиш кўпчилигининг орзуси. Чунки бу ерда ҳар кун мўъжизалар содир бўлади. Қайси бир ҳудудга ўтманг, янгиликларни кўрасиз.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ишлари, замонавий ва миллий услубда бунёд этилаётган иншоотлар, келгуси режалар, лойиҳалар ётган архитектура ва қурилиш хусусида сўз юритилди.

Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Асомидин ТОЖИЕВ пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишлари тўғрисида батафсил маълумот берди. Маълумки, Тошкентнинг эски шаҳар қисмини ободлаштириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса, Нурафшон кўчасининг бунёд этилиши бу борадаги дадил қадамлардан бири бўлди. Ҳадемай, бу ерда кўп қаватли замонавий уйлар қурилиб,

атрофи кўкаламзорлаштирилади. Айни шу кўчада илк мартаба пиёдалар учун замонавий технологиялар асосида ишловчи эскалаторли кўприк барпо этилиши режалаштирилган.

Шунингдек, шаҳримизнинг Авиасозлар, Қўйлик, Отчопар, Сирғали, Юнусобод, ТТЗ бозорларини ўзига хос қиёфасини яратиш ишлари қизғин давом этмоқда. Ушбу бозорлар шаҳримизнинг энг гавжум савдо расталари бўлиб, ҳар кун миңлаб одамларга хизмат кўрсатади. Бу ўз навбатида транспорт қатновида айрим муаммолар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун асосий чорраҳаларга кузатув ускуналари ўрнатилди. Кўп қаватли гаражлар қуриш бўйича қарорлар қабул қилинди. Қувонарлиси, ҳамшаҳарларимизнинг аксарияти ушбу ишларнинг амалга ошишида ташаббус кўрсатишмоқда. Хусусан, уларнинг маблағлари ҳисобига аҳолига беминнат хизмат кўрсатуви кўп қаватли гаражлар қуриш ишлари бошлаб юборилган.

Матбуот анжуманида журналистлар уларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Бобур ЭЛМУРОВОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган «Тўмарис кубоги» республика турнирида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган уч юз нафардан зиёд спортчи голиблик учун гиламга тушди. Унда иштирокчилар яккама-якка беллашув ва комплекс машқларни бажариш бўйича ўз маҳоратини намойиш этдилар.

Ўзбек жанг санъати



усталари ўртасида «Тўмарис кубоги» республика турнири ўтказилди

— Ўзбек жанг санъати ўғил-қизларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни мард, иродали ва қатъиятли этиб вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўзбек жанг санъати федерацияси раиси Пўлат Усмонов. — Ушбу спорт тури қонун-қоидалари ёш тоифаларига қараб фарқланиши ўзбек жанг санъати билан 7 ёшдан 70 ёшгача шугулланиш имконини беради. Унда, шунингдек, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, айнакча, асаб тизими фаолиятини яхшилашга хизмат қиладиган даволар машқлари ҳам мавжудлиги билан аҳамиятлидир.

Айни пайтда мазкур спорт тури билан мамлакатимизда қирқ миңдан зиёд ўғил-қиз мунтазам шугулланмоқда. Ўзбек жанг санъати федерацияси Жаҳон миллий жанг санъатлари уюшмаси, Жаҳон яккакураш спорт турлари ташкилоти, Халқаро жанг санъатлари ассоциацияси каби нуфузли ташкилотлар аъзосидир.

— Вилоятимизда Ўзбек жанг санъати федерацияси бўлими расман иш бошлаганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ, — дейди Навоий вилояти вакили, мураббий Фарход Мухаммадиев. — Ҳозирда Навоий ҳамда Зарафшон шаҳарлари, шунингдек, Қизилтепа туманида ҳам ўзбек жанг санъати тўғрисида фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўнга яқин мураббий икки юздан зиёд ўғил-қизга миллий спорт тури сир-асрорларини ўргатмоқда. Республика турнирида ўн икки нафар шогирдимиз ўз омадларини синаб кўрдилар. Натижа ёмон эмас. Жумладан, бахсларда иктидорли спортчиларимиздан Ёдгор Исомиддинов (65 кг), Фурқат Раҳматуллаев (+70 кг)лар муваффақиятли иштирок этиб, олтин ва кумуш медал билан тақдирландилар.

Яқунланаётган йил ўзбек жанг санъати усталари учун муваффақиятли бўлди. Спортчиларимиз Қозоғистонда ўтган жаҳон чемпионати, Жанубий Кореянинг Чунжу шаҳри мезбонлик қилган халқаро фестивалда муносиб иштирок этиб, юқори натижаларни кўлга киритди.

— «Тўмарис кубоги» беллашувлари терма жамоага муносиб спортчиларни саралаб олишда ўзига хос синов вазифасини ўтайди, — дейди Ўзбек жанг санъати бўйича мамлакат терма жамоаси бош мураббийи, «Шўхрат» медали соҳиби Қахрамон Сатторов. — Бухоро, Бўшақа ақунда умумжамоа ҳисобида Тошкент, Муборак, Андижон, Самарқанд вилоятлари вакиллари энг кўп медалларни жамғариб, кучлироқ қаторидан ўрин олишди.

Мазкур турнир доирасида йигирма нафардан зиёд жисмоний имонияти чекланган спортчилар ўзбек жанг санъати бўйича «Матонат» комплекс машқларини бажариб, йиғилганлар олқишига сазовор бўлдилар.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Диққат, Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

Ҳаётимиз хавфсизлиги учун

ҳар биримиз масъулмиз

Халқимизда ўт балосидан, сув балосидан асрасин, деган ҳикматли гап бор. Бу нақл қанчалар тўғри эканлигига кўп бор гувоҳи бўлганмиз. Кундалик ҳаётимизда айнан «ўт балоси» туфайли содир бўлаётган кўпгина воқеалар барчамизни ўйлашга, ҳушёр, огоҳ бўлишга чақиради.

Шу кунларда юртимиз бўйлаб, «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» доирасида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидаги корхона ва ташкилотларда ҳам ёнғин келиб чиқшининг олдини олиш, ёнғин содир бўлганда кўриладиган чора-тадбирлар билан боғлиқ тушунтириш ишлари, тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ёнғинларнинг олдини олишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш ва унга сўзсиз риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ишхонада, кундалик турмушимизда фойдаланилаётган электр ва газ жиҳозлари созликни назорат қилиш, улардан тўғри фойдаланиш, қўлбола маиший техника воситаларини ишлатмаслик келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олади. Бу билан биз ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини хатардан асраган бўламиз.

Азиз юртдошлар! Ёнғин хавфсизлиги учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни унутманг. Фарзандларингиз, яқинларингизнинг ҳаётини бефарқ бўлманг.

Шерзод ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон МТРК 14-ҲБХҚ смена бошлиғи, капитан.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Наманган вилоятида ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Реабилитация маркази янги бинода



Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси тасарруфидаги мазкур реабилитация марказининг янги биносини барпо этиш учун давлатимиз томонидан 3 миллиард 117 миллион сўм маблағ ажратилди. «Наманган Давр қурилиш» масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг меҳнати эвазига қисқа вақт ичида деярли ярим асрдан кўпроқ муқаддам қурилган, пастқам, кўрimsиз шиғона ўрнида тўрт қаватли кўркам бино қад ростлади.

Бу шиғо маскани 50 ўринга мўлжалланган бўлиб, бир йилда миң нафардан зиёд ногиронларнинг саломатлигини тиклаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Неврология, травматология, терапия, интенсив терапия ва реанимация бўлимлари, лаборатория, шунингдек, жарроҳлик блоки замонавий тиббий техникалари ва жиҳозлари билан таъминланган.

— Барча қулайликларга эга шиғо маскани Президентимизнинг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлидаги гапмуҳаббатининг яна бир амалий ифодасидир, — дейди марказ директори Файзулло Дадабоев. — Бу ерда ногиронлар ўз саломатлигини тиклайди. Оиласига, ҳаётга бўлган ишончи мустаҳкамланади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАДБИР

Яхшига эргашсанг, етасан муродга...

Киночилар уйда «Ўзбекино» Миллий агентлиги бюртмасига кўра, Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси томонидан суратга олинган «Чемпион оилалар», «Қўшиққа айланган умр», «Бунёдкорлик эпопеяси» ҳужжатли фильмларининг тақдими бўлиб ўтди.

«Чемпион оилалар» фильмида, шохмотчи боланинг мақсад сари интилиши, мағлубиятдан эсанқирамай ишонч билан изланиши туфайли катта галабаларга эришгани ҳақида хикоя қилинади. Фильмда чемпион оилалар тақдири шохмот бўйича бир неча бор жаҳон ва Осиё чемпионолари бўлган Синдоровлар ва Абдусатторовлар оилалари мисолида очиб берилди.

«Қўшиққа айланган умр» ҳужжатли фильми Ўзбекистон халқ хофизси Маъмуржон Узоқов таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан суратга олинган. Унда атоқли хофизнинг ҳаёти, ижоди, ўзбек санъатига қўшган улкан ҳиссаси та-

рихий мисоллар асосида ифода этилган. «Бунёдкорлик эпопеяси» ҳужжатли фильмида эса маҳоратли сураткаш, ўз касбининг устаси Абдигани Жума ижоди ҳақида сўз юритилади. Фильм қахрамони юртимизда сўз юритилади. Фильм қахрамони юртимизда сўз юритилади. Фильм қахрамони юртимизда сўз юритилади.

Бир сўз билан айтганда, бу ҳужжатли фильмларни кўрган одамда, яхши ишлар қилишга, улуг бир мақсад билан яшава ҳавас ҳисси уйғонади. Матбуот анжуманида бу фильмларни ёшлар ўртасида кўпроқ намойиш этиш кераклиги таъкидланди.

Озода БЕКМУРОВОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

қуйидаги ишлаб чиқариш комплексларини сотиб олишни таклиф қилади:

Паррандачилик йўналиши бўйича:

Фарғона вилояти, Қувасой шаҳрида жойлашган «Quvasoy Naslil Parranda» МЧЖнинг 100 фоиз улуши савдога чиқарилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 13 092 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 30 декабрь соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2014 йил 29 декабрь соат 17:00 гача қабул қилинади.

Мазкур улуш 2014 йил 30 декабрь кунини аукцион савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2015 йил 15 ва 30 январь кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдоларда қатнашиш учун аризалар савдо кунидан бир кун олдин соат 18:00 гача қабул қилинади.

Мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича:

Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Ҳамид Олимжон кўчасида жойлашган «Valley Mountain's Fresh» МЧЖнинг 100 фоиз улуши савдога чиқарилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 7 557 000 000 сўм

Савдолар 2014 йил 1 декабрдан 27 декабрга қадар ҳар кун соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун аризалар савдо кунидан бир кун олдин соат 17:00 гача қабул қилинади.

Текстиль саноати йўналиши бўйича:

Хоразм вилояти, Шовот тумани, Гулзор кўчасида жойлашган «Katqal'atex» МЧЖнинг 100 фоиз улуши савдога чиқарилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 9 523 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 24 декабрь кунини соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2014 йил 23 декабрь соат 17:00 гача қабул қилинади.

Мазкур улуш 2014 йил 24 декабрь кунини аукцион савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йил 26, 29, 31 декабрь кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдоларда қатнашиш учун аризалар савдо кунидан бир кун олдин соат 17:00 гача қабул қилинади.

Мазкур аукцион савдолари шартлари ва бошқа маълумотлар юзасидан «Ипотека-банк» Бош офисига мурожаат этиш мумкин. Телефон: (0-371) 150-89-30, 150-89-31. Хизматлар лицензияланган.

ОБ-ҲАВО 18-19.12 — 2014

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

-2 / -7 0 / +5

Бухоро ва Навоий вилоятлари

0 / +5 +5 / +10

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

-3 / +2 +8 / +13

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

-2 / +3 +8 / +13

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

-1 / -6 +5 / +10

Тошкент шаҳри

-1 / +1 +8 / +10

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +13 / +12

Париж +13 / +11

Москва +1 / +1

Мадрид +15 / +14

Пекин +4 / +3

Канберра +28 / +26

Рим +16 / +16

Афина +17 / +16

Токио +10 / +10

Стокгольм +3 / +4

Кейптаун +25 / +23

Қоҳира +23 / +22

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Қўрай туман кенгаши раиси **Захро НУРМАТОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чучур таъзия билдиради.

Газетанинг навбатдаги сони 23 декабрь, сешанба кунини чиқади.

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TANHIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihididdin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Qabulxonа — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259
13 138
nuxsada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 23.15
Topshirilgan vaqti — 00.55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbathodi: **Ravshan SHODIYEV**
Sahifalovchi-dasturchilar: **Zafar BAKIROV**
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5 6

■ СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

Тарихи бой, маънавияти юксак халқнинг келажаги буюк бўлади

Владимир ЧУРОВ, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси:

— Самарқанд вилоятидаги сайлов участкаларида овоз бериш бошланишини кузатиш имкониятига эга бўлдик. Ҳали тонг ёришмаган бўлса-да, бинолар сайловчилар билан гавжум эди. Одамларнинг кайфияти кўтаринки. Улар сайловда фаол иштирок этиб, ўзалари муносиб деб билган номзодларга овоз берди. Қиш фасли бўлишига қарамай, ҳаво жуда илик, ёқимли. Бу ҳам ўзбек халқининг самимиёлиги, бағрикенглиги ва меҳмондўстлигини ифода қилгандай туюрди.

Бир неча кун давомида сайловга тайёргарлик жараёналарини кузатдик ва сайлов кўни тайёргарликлар самараси намоян бўлди. Ҳеч иккинчиси айтиш мумкин, сайловларни демократик тамойиллар асосида ўтказиш борасида Ўзбекистонда катта тажриба тўпланган.

Ахим КОЕДЕРМАНН, Нью-Йорк университети фалсафа факультети декани (АҚШ):

— Самарқанддаги бир нечта сайлов участкасида бўлиб, эрталабдан сайлов кутлирига анчагина бюллетенлар ташланганини кўрдим. Бу аҳолининг фаоллигини далолат. Жараёни ташкил этиш, сайловчилар ва кузатувчилар учун муносиб шароит яратишда қўнун талабларига қатъий амал қилинган. Мухими, овоз беришда ҳар бир сайловчи эркин, бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлди. Участкаларда оналар ва болалар, тиббиёт хоналари ташкил этилгани мамлакатингизда инсон саломатлиги энг катта бойлик сифатида қадрланганини далолат беради.

Мустиқил тараққиёт йўлини танаб, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистонда қисқа вақтда турли соҳаларда эришилган ютуқлар билан бир қаторда замонавий сайлов тизимига ҳавас қилади.

Эммануэль ДЮПЮИ, Европа прогнозлаштириш ва хавфсизлик институти президенти (Франция):

— Андижон шаҳридаги бир қатор сайлов участкалари фаолияти билан танишдим. Уларда сайловларга жиддий тайёргарлик қўрилган. Юртингизда сай-

ловларни ўтказиш тобора такомиллашиб бормоқда, айниқса, техник тайёргарлик ўсиб борганини яққол кўринади. Сайловларни демократик тамойиллар асосида ўтказиш бўйича умум-этироф этилган нормаларга амал қилинмоқда. Бунга бугун бўлиб ўтган сайлов жараёналарида бевосита иштирок этиб, яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Андижон давлат университетида ташкил этилган 28-сайлов участкасида сайлов жараёни белгиланган меъёрлар асосида ўтди.

Андижон давлат университетида француз тилини ўқитиш, француз тилида ўқув ва илмий адабиётлар тайёрлаш, чоп этиш борасида ишлар амалга оширилаётгани мени қувонтирди. Айниқса, қурилиш ва бунёдкорлик, ободонлаштириш, ёшларнинг иш билан таъминлаш каби муҳим йўналишларда олиб борилаётган кенг қўламли ишларни алоҳида эътироф этишни истардим.

Ширин АКИНЕР, Кембриж университети профессори (Буюк Британия):

— Сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг дастурларида ижтимоий-иқтисодий долзарб масалалар ўз аксини топиб, уларнинг мамлакат равнақи ва аҳоли фаровонлиги учун йўналтирилгани ахамиятлидир. Биз сайлов участкаларида бўлиб, сайловчилар фаол овоз бераётганини кўрдик. Сиёсий партияларнинг вакиллари ва кузатувчилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг ҳар бири дастур ва максаллари ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Шуни мамнуният билан айта оламаники, сайловларга катта ҳозирлик қўрилган ва аҳолининг фаоллиги янада ошган. Бу муҳим сиёсий жараёнинг туб моҳиятини одамларга тушунтириш учун кўп ишлар амалга оширилган.

Термизга беш йил олдин келган эдим. Бу вақт ичиди рўй берган улкан бунёдкорлик ишлари, янгиланган ва ўзгаришларни кўриб, қувондим. Буларнинг барчаси Ўзбекистонни демократик юксалтириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасидир.

Александр АНТОНОВ, Россия табиий фанлар академияси академиги, Европа табиатшунослик академиясининг ҳақиқий аъзоси, ЮНЕСКО профессори:

— Эрта тонгдан сайлов участ-

касининг бу даражада гавжум бўлиши сайловчиларнинг сиёсий жараёнлардаги фаолиятини кўрсатади. Мухими, ҳар бир сайловчида мамлакатнинг эртанги кунига дахлдорлик туйғуси сезилиб турди. Ўзбекистонда парламент ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови кўппартиявийлик асосида ўтказилгани мамлакат демократия йўлидан бораётганидан далолатдир. Сайловларга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёналари билан танишиб, демократияга хос бўлган ошкоралик, очиқлик нормаларига тўлиқ риоя қилинганига ишонч ҳосил қилдим. Мен суҳбатда бўлган сайловчилар турли партиялардан кўрсатилган номзодларга овоз берганларини айтди. Улар дастурларни маъқул келган партияларнинг вакилларига овоз бергани Ўзбекистонда парламент сайловининг демократик асосларда ўтгани исботидир.

Ефим КИЛАРЬ, МДХ Ижроия қўмитаси департаменти директори ўринбосари:

— Ўзбекистонда миллий аъналарга асосланган, халқор меъёр ва нормаларга тўла жа-воб берадиган сайлов қўнунчилиги шакланган. Сайловларда сайлов комиссиялари ўз фаолиятини мустиқил олиб боради, округ ва участка сайлов комиссиялари қўнунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда шакллантирилган, сиёсий партияларнинг сайловларда иштирок этиши, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари учун тенг шароит яратилгани сингари қатор мезонлар таҳсинга сазовор.

Андижон шаҳридаги 36-, 68-сайлов участкаларидаги сайлов жараёналари билан танишиб, сайловлар адолатли, халқор меъёр ва талаблар асосида ўтганига гувоҳ бўлдим.

Фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, сайловларга катта қизиқиш билан жиддий ёндашгани ҳавасимни келтирди. Бу Ўзбекистонда аҳоли маънавияти, сиёсий, ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш бўйича Президент Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасидир.

Сюзан СКАНЛАН, халқаро кузатувчи (АҚШ):

— Ўзбекистон сайлов тизимида хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилгани эътиборимни тортди. Сиёсий партиялар томонидан кўрсатиладиган

депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши белгилаб қўйилгани таҳсинга сазовор. Деярли ҳар бир округ бўйича депутатликка номзодлар орасида аёллар борлиги ўрнатилса арзигулки сайлов амалиётидир. Самарқанд вилоятида сайлов жараёнларини кузатиб, фуқаролар ўзларининг конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этганига гувоҳ бўлдим. Бу ҳолатни америкаликлар билан таққослаганда, Ўзбекистон фуқароларида фаоллик ва дахлдорлик туйғуси юқорилигини кўрдим. Айниқса, ёшларнинг лавчалар турли партиялардан кўрсатилган номзодларга овоз берганларини айтди. Улар дастурларни маъқул келган партияларнинг вакилларига овоз бергани Ўзбекистонда парламент сайловининг демократик асосларда ўтгани исботидир.

Рокко АБРАМ, халқаро кузатувчи (Италия):

— Қорақалпоғистон Республикасида овоз бериш жараёни жуда фаол ўтди. Ёшларнинг сиёсий фаоллиги, кўтаринки кайфияти, дунёқарашининг кенглиги, атрофда содир бўлаётган воқеаларга тўғри ва холис муносабат билдири олиши менда катта таассурот қолдирди.

Амударё туманидаги бир неча сайлов участкасида бўлдим. Одамларнинг ҳамжиҳатлиги диққатимни тортди. Айниқса, 80-сайлов участкасида ёшлар билан мулоқотни узоқ вақт хотирамда сақлашиб қолади. Билмили, иқтидорли ёшлар ўз фикрларини инглиз тилида бемалол, эркин баён қилишди.

Юртинг ободлиги, шаҳарларнинг кўркемлиги, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган турар жойларни кўриб, ҳавасим келди.

Петер ФРАНКС, «WOSTOK» журнали бош муҳаррири (Германия):

— Урганч шаҳридаги 22-сайлов участкасида овоз бериш жараёни билан танишар эканман, сайловчиларнинг фаоллиги мени ҳайратлантирди. Соат ўнгача қирқ фоиз сайловчининг овоз бериб бўлганига ўзим гувоҳман.

Сайловчиларнинг бу қадар фаоллигини бошқа давлатларда кузатиш қийин. Масалан, Германияда парламент сайловларида кун давомида етмиш фоиз, бошқа сайловларда 50-60 фоиз аҳоли овоз беради. Бу

ердаги сайлов участкаларида яратилган шароит ва комиссия аъзоларининг иш фаолияти тўғрисида фақат яхши фикрлар айтаман. Хоразмга сафарим давомида бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишиб, Ўзбекистоннинг тараққиёти бундан юксак бўлишига ишонч ҳосил қилдим.

Владимир ФИЛИПОВИЧ, МДХ кузатувчилари миссияси аъзоси (Беларусь):

— Қашқадарё вилоятида ҳам сайловга тайёргарлик бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилган. Бунга сайлов участкаларини кузатиш давомида амин бўлдим. Бу борадаги ишлар мамлакатингиз қўнунчилиги ва умумэтироф этилган халқаро нормаларга тўла мос келади. Сайлов комиссиялари аъзолари жуда тажрибали мутахассислардан ташкил топган. Турли давлатларда сайлов турли хил ўтади. Ўзбекистонда сайловларнинг кўппартиявийлик асосида ташкил этилиши демократик тамойилларга мос.

Мамлакатингизда ёшларга оид давлат сиёсатида жиддий эътибор қаратилаётгани бошқалар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳамма сайлов участкаларида биринчи марта овоз берадиганларнинг аниқ сони ёзиб қўйилгани уларга кўрсатилаётган гамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Санжай КУМАР (Ҳиндистон):

— Сайлов участкалари ҳамма жойда замонавий жиҳозланган. Овоз берувчилар, комиссия аъзолари, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари учун барча шароит муҳайё қилинган.

Нукус шаҳридаги 13- ва 14-сайлов участкаларида бўлганимда, сайловчиларнинг фаоллигини кўриб ҳайратга тушдим. Эрта тонгдан одамлар бу ерга келиб, ўз муносабатини билдиргани демократиянинг ёрқин кўринишидир. Депутатликка номзодлар турли соҳада меҳнат қилаётган кишилар бўлиб, уларнинг ўттиз фоизи хотин-қизлардан иборат экан. Бу давлатнинг хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратишидан дарак беради.

И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат музейида сақланаётган дурдона асарлар билан танишдим. Улар менда катта таассурот қолдирди.

Тарихи чуқур илдизга эга ва бой, маданияти юксак халқнинг келажаги, албатта, буюк бўлади.

Аккан СУВЕР, «Marmara Group» стратегик ва ижтимоий тадқиқотлар жамғармаси бош директори (Туркия):

— Мен кўп давлатларда кузатувчи сифатида иштирок этганман. Ўзбекистондаги сайловлардан ўрнатилган, арзийди. Фарғона шаҳридаги 697-сайлов участкасида сайловчиларнинг фаоллиги бизни ҳайратга солди. Оналар қўлида нақалого билан келиб, ўзаларининг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширди. Бунинг учун махсус оналар ва болалар хонаси ташкил қилинган. Сайлов участка комиссиялари таркибида ҳам хотин-қизларнинг кўплиги муҳим мезон ҳисобланади. Кексалар, беморлар учун махсус кутилар ташкил этилиши ва уларнинг уйига борилишини бошқалар ҳам ўзида татибқ этса арзийди. Ўзбекистонни «Осиё гавҳари» деб аташларида жуда катта ҳақиқат ва ҳикмат борлигига амин бўлдим.

Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ривожлантириш, халқ фаровонлигини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон халқи келажакка қатъий ишонч билан яшаётганини ўтказилган сайлов ҳам яққол кўрсатади.

Масут ФАТКУЛИН, Халқаро расмолар уюшмалари конфедерацияси ижроия қўмитаси раиси, халқаро кузатувчи (Россия):

— Мамлакатингизда амалда қўлланилаётган қўнунчиликка мувофиқ, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар орасида хотин-қизлар учун 30 фоиз квота белгилангани, шунингдек, Экоҳаракатга ўн беш депутатлик ўрни ажратилгани демократик ислохотларнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

Бўлиб ўтган парламентнинг Қўнунчилик палатасига ва маҳаллий кенгашларга сайловлар ташкил этилган. Сайлов ва номзодларнинг таржимаи ҳоли, дастурлари ҳақидаги плакат ва шорлар қўнунли жойларга осиб қўйилган. Оммавий ахбо-

рот воситаларида сайлов жараёни, номзодлар ўртасидаги соғлом рақобат кенг ва тенг ёритилиши таъминланган.

Буларнинг барчаси сайловда очиклик ва ошкораликни, номзодлар ўртасидаги тенгликни тўла таъминлайди. Мен бир қатор сайлов участкаларида бўлиб, фуқароларнинг фаоллигига гувоҳ бўлдим. Фарғона шаҳридаги 710-сайлов участкасида овоз бериш жараёнини кузатиб, айниқса, ёшларнинг фаоллигидан ҳайратландим. Бу ёшларнинг мамлакат бораётгани ва равнақига бефарқ эмаслиги, Ўзбекистон келажаги буюклигидан далолатдир.

Амея САТАЕ, «Diplomacy India.com» ахборот таҳлилий порталининг ижроия директори, халқаро кузатувчи (Ҳиндистон):

— Ўзбекистонда сайлов тизими йилдан-йилга такомиллашди, демократик талаблар асосида ўтказилмоқда. Фарғона вилоятида ҳам бунинг яққол исботини кўрдим. Барча сайлов участкаларида сайловчиларнинг фаоллиги, айниқса, ёшларнинг кўтаринки кайфияти мени ҳайратга солди. Сайловлар демократик тамойиллар асосида ташкил этилиб, сайловчилар энг муносиб номзодлар учун овоз беришди.

Сиёсий партиялардан номзодларнинг кўрсатилиши сайловнинг соғлом рақобат муҳитида ўтишини таъминлади. Мен сайлов участкаларида бунга гувоҳ бўлдим.

Шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг ёшлар масаласига қаратаётган доимий эътибори ва гамхўрлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Келажак эгаларига бўлган бундай муносабатга ҳавасим келди. Бу масалда Ўзбекистондан ўрганса арзийдиган жиҳатлар кўп.

Фарғона жуда гузал шаҳар экан. Янги бунёд этилган муҳташам санъат саройи, у ерда томошабинлар учун яратилган шароитлар таҳсинга сазовор. Намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган замонавий қишлоқ массивлари, бозорлардаги тўқинлик кўзни қувнатди. Одамлар юз-кўзида кўтаринкилик, эртанги кунга ишонч акс этиб турибди. Буларнинг барчаси Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг амалии самараси, деб биларман.

ЎЗА

«БУХОРО GLOBAL REALTOR» МЧЖ

очиқ танловга таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳма́сининг 2011 йил 25 майдаги 147-сон қарори ва Бухоро шаҳар ҳокимининг 2014 йил 20 ноябрдаги 1729-сон, 2014 йил 24 ноябрдаги 1743-сон ҳамда 2014 йил 26 ноябрдаги 1765 қарорларига асосан юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари танлов савдоларига қўйилмоқда:

1. Бухоро шаҳар, М.Каримов кўчаси худудида «Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохбачаси биноси» қуриш учун ажратилган 217,4 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — **206752 сўм.**

2. Бухоро шаҳар, Саноатчилар кўчаси худудида «Пластмасса чикиндиларини қайта ишлаб чиқариш учун тайёрлаш цехи» (Драбллик) қуриш учун ажратилган 1500,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — **127935 сўм.**

3. Бухоро шаҳар, Жубор кўчаси ёқасида «Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохбачаси биноси» қуриш учун ажратилган 153 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — **129636 сўм.**

Маъбурият билан Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов қолиби билан мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб, 12 ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2015 йил 3 февраль кuni соат 11:00 да очилади ва шу кuni соат 15:00 да маъзур ҳокимлик биносида танлов қолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига бюуртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бюуртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома,

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вақил қатнашганда ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлай-

РЕКЛАМА

«БУХОРО GLOBAL REALTOR» МЧЖ

очиқ танловга таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳма́сининг 2011 йил 25 майдаги 147-сон қарори ва Бухоро вилоят Когон шаҳар ҳокимининг 2013 йил 27 декабрдаги 784-сон қарорига асосан юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдосига қўйилмоқда:

Когон шаҳар, Аҳиллик кўчаси ёқасида «Ўрта қаватли турар-жой биноси» қуриш учун ажратилган 150,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — **375 100 сўм.**

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов қолиби билан мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб, 12 ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюуртманомалар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва 2015 йил 23 январь кuni соат 18:00 да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2015 йил 26 январь кuni соат 11:00 да очилади ва шу кuni соат 15:00 да маъзур ҳокимлик биносида танлов қолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши, деб эътироф этилган талабгор танлов қолиби, деб топилади.

Юридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2015 йил 26 январьдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2015 йилнинг 3 февраль кuni соат 12:00 да бўлиб ўтади. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюуртманомалари қабул қилиш 2015 йил, 2 февраль, соат 18:00

Хизматлар лицензияланган.

рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабгорига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ташкилотчиси — «БУХОРО GLOBAL REALTOR» МЧЖ.

Манзили: Бухоро шаҳар, Мустиқиллик кўчаси, 10-уй.

Тел: (+99893) 960-69-00, **факс:** (0365) 221-54-43.

Электрон почта: www.bgr.gl.uz

Лицензия № RL 0171.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун бюуртманомана берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қиймати-нинг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг маъзур билдиришиномда кўрсатилган қуйидаги банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

ДТ «Халқ банки» Бухоро филиали, х/р: 20208000600251607001, МФО 00116, СТИР 302688377.

Хизматлар лицензияланган.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши Ўзбекистон Қаҳрамони, партияси фаоли **Комилжон МАМАЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши ЎзХДП Булунгур туман кенгаши раиси ўринбосари Мамашариф Нетьматовга қизи **ШОХИДАН**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирди.



БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

**Ўзбекистон халқини,
нефть ва газ саноати соҳаси
ходимларини кириб
келаётган Янги — 2015 йил
билан муборакбод этади.
Хонадонингиздан тинчлик-
хотиржамлик, бахт-саодат,
файзу барака асло аримасин!**



**ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHIBosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259

12 639

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 21.45

Topshirilgan vaqti — 02.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5 6